

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАКУЛОВ АЛИМАРДОН АБДУСАЛОМОВИЧ**

**НОАНЪАНАВИЙ САБЗАВОТ – ТИКАНЛИ АРТИШОКНИ (*CYNARA  
SCOLYMUS L.*) ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва  
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Туракулов Алимардон Абдусаломович**

Ноанъанавий сабзавот – тиканли артишокни (*Cynara Scolymus L.*)  
етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва дориворлик  
хусусиятларини тадқиқ қилиш..... 3

**Туракулов Алимардон Абдусаломович**

Разработка технологии возделывания и исследование лекарственных  
свойств нетрадиционных овощей – колючего артишока (*Cynara  
Scolymus L.*) ..... 19

**Turakulov Alimardon Abdusalomovich**

Development of cultivation technology and medicinal properties of non-  
traditional vegetables - prickly artichoke (*Cynara Scolymus L.*) ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАКУЛОВ АЛИМАРДОН АБДУСАЛОМОВИЧ**

**НОАНЪАНАВИЙ САБЗАВОТ – ТИКАНЛИ АРТИШОКНИ (*CYNARA  
SCOLYMUS L.*) ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**06.03.03 – Доривор ўсимликлар интродукцияси, етиштириш технологияси ва  
агрофармэкологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Qx687 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Бердиев Эркин Турдалиевич,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Буриев Хасан Чутбоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Бегматов Абдусамат Маматкулович**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Ўсимлик генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси , 2-уй.Тел: (99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail:[tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz).; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2 қават, кичик анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент Давлат Аграр Университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент вилояти, қибрай тумани, Университет кўчаси , 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**У.Норқулов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
қ.х.ф.д., профессор.

**А.А.Иминов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
қ.х.ф.д., катта илмий ходим.

**Ф.Б.Намозов,**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
қ.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида ноанъанавий сабзавот ва доривор ўсимликларни маданийлаштириш, уларнинг озиқ-овқат ва дориворлик хусусиятларидан янада тўлароқ фойдаланиш, улар хомашёси асосида табиий сабзавот ва доридармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай ўсимликлардан бири бўлган артишок етиштириш дунё бўйича 2019 йилда 128 минг гектар майдонни ташкил этиб, ҳосилдорлик гектарига 13 тоннани ташкил этган. Энг кўп артишок етиштирган мамлакатлар: Италия (383 минг тонна), Миср (343 минг тонна) ва Испания (207 минг тонна) - уларнинг улуши умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 54 фоизини, Перу, Жазоир, Аргентина, Хитой, Франция ва АҚШ давлатлари эса умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 35 фоизини ташкил этади. Артишокнинг аҳоли жон бошига энг юқори истеъмоли 2019 йилда Италия (йилига бир кишига 6,51 кг), Перу (йилига бир кишига 4,75 кг) ва Испания (йилига бир кишига 4,14 кг) давлатларига тўғри келган<sup>1</sup>. Артишокни мақбул экиш муддати, кўчат қалинликлари ва озиқлантириш меъёрларини аниқлаш ҳамда етиштиришнинг муҳим агротехнологик элементларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда артишок етиштирувчи Англия, Франция, Италия, Венгрия, Болгария, Швеция, Албания, АҚШ ва Озарбайжон каби мамлакатларда ундан озуқабоп ва ем-хашак ўсимлиги сифатида фойдаланиб келинади. Ғарбий Тожикистонда артишокнинг яшил баргининг умумий ҳосил вазни 800-1500 ц/га ни, Кавказ орти ҳудудларида эса, артишокни яшил вазни 650-1500 ц/га ни ташкил этади. Шунингдек, артишок манзарали ўсимлик сифатида сайилгоҳлар, боғлар, йўлларнинг четида, мактаблар ва бошқа ташкилотлар ҳудудларини ҳам безатишда фойдаланилади. Артишокни хом, қовурилган ва консерваланган кўринишда истеъмол қилинади. Ушбу йўналишда дунёда бирмунча ютуқларга эришилган бўлсада, бугунги кунда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитларига мос мақбул экиш муддатлари, кўчат қалинликлари ва озиқлантириш меъёрларини ўрганиш асосида етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда тиканли артишок (*Cynara scolymus* L) янги ноанъанавий кўп йиллик озиқабоп сабзавот ва доривор ўсимлик ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, озиқабоп ва доривор ўсимликларнинг экин майдонларини кенгайтириш ва экспортни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мос маҳсулотларини етиштириш катта аҳамиятга эга. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида "...Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 1,5 баробар ва иссиқхоналарни

<sup>1</sup> <https://fruitnews.ru/home/category/analitika/indexbox-italiya-i-frantsiya-zanyali-lidiruyushchie-pozitsii-v-importe-artishoka-v-2019-godu.html>

2 баробар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш” муҳим стратегик вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада ноанъанавий сабзавотларни озикабоплик ва дориворлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ноанъанавий сабзавот экини бўлган тиканли артишокни етиштиришда имкониятларини аниқлаш, экинларни етиштиришда экиш меъёри, муддати, схемаси ва озикланиш майдонини аниқлаш, органик ва минерал ўғитларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш, дориворлик хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиканли артишок ўсимлиги қадимдан Европа мамлакатларида озик-овқат ва доривор аҳамиятига эга ўсимлик сифатида маданийлаштирилган ва ўстирилган. Тиканли артишокни маданийлаштириш, кимёвий таркиби, озик-овқат ва доривор ўсимлик сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганиш бўйича С.И.Вавилов ва бошқалар, Л.И.Драник, И.Л.Лунева, Т.С.Любимова, М.А.Панов, Н.А.Агафонов, М.П.Причман, Т.А.Работнов, С.Г.Тамамшян, А.Г.Ханларова, J.Basnizki, D.Zohary, R.M.Hammouda, S.Rocchietta каби олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. М.А.Рагимов Озарбайжонда, В.С.Радионенко Тожикистонда тиканли артишокни маданийлаштириш, ем-хашак ўсимлиги сифатида фойдаланиш, И.Л.Лунева шимолий Кавказда артишокни интродукция қилиш, маданийлаштириш, кимёвий таркибини ўрганиш, фармакогностик тадқиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Ушбу тадқиқотлар натижасида тиканли артишокни нафақат сабзавот ва доривор ўсимлиги, балки тўйимли ем-

хашак ўсимлиги сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган. Ўзбекистонда ўтган асрнинг 70 йилларида Б.А.Амиров, Р.С.Хайдаровлар тадқиқотлар ўтказганлар. Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган Самарқанд вилояти иқлим шароитларида З.Б.Номозова тиканли артишокни биоэкологик, гуллаш ва мева ҳосил қилиш, ўстириш усули ва мослашиш хусусиятларини ўрганиш ва интродукцион сифатларини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борган.

Т.А.Миррахимова ва А.А.Абзаловлар томонидан тиканли артишокни ўстириш, маъданли ўғитлар билан озиқлантирганда унинг кимёвий таркибига таъсири, фосфорли ва азотли ўғитларни ўсимлик ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсири, тиканли артишок хомашёси асосида яратилган гепатопротектор ва ўт хайдовчи таъсирга эга доривор препаратни стандартлаштириш каби масалалар ўрганилган.

Мавжуд илмий адабиётлардаги маълумотлар ва илмий-тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ноанъанавий сабзаёт ҳисобланган тиканли артишокни Тошкент вилояти шароитларида ўстириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш, уруғларини экиш меъёри, муддати, схемаси ва озиқланиш майдонини ўрганиш, минерал озиқлантириш, уларнинг дориворлик хусусиятларини яхшилашга таъсири бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлигини кўрсатди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот режаси асосида №ҚХА-ЁА-ҚХ-2018-126 рақамли “Тиканли артишокни (*Cynara scolymus* L.) етиштириш ва дориворлик хусусиятларини оширишда минерал ўғитлардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги амалий илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилояти шароитида тиканли артишокни (*Cynara scolymus* L.) етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш, озиқабоплик ва дориворлик хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тиканли артишок ўсимлиги нав намуналарини морфо-биологик ва хўжалик белгиларини комплекс баҳолаш;

тиканли артишокдан эрта, юқори ва сифатли ҳосил олиш учун мақбул экиш схемалари ва озиқланиш майдонини аниқлаш;

тиканли артишокни етиштиришда минерал ўғитлар фонидида органик ўғитларни қуллашнинг мақбул меъёрларини аниқлаш;

тиканли артишокни меваларини биокимёвий кўрсаткичлари, хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларнинг турлари ва миқдорларини таҳлил қилиш;

Тошкент вилояти тупроқ иқлим шароитида тиканли артишок етиштириш бўйича технологик харита ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тиканли артишок ўсимлигини (*Cynara scolymus* L.) Майкопский 41, Фиолетовый ранний, Султон, Красавец, Заморский

деликатес, Лионский 19 нав намуналари ва типик бўз тупроқ танланган.

**Тадқиқотлар предмети** бўлиб, тиканли артишокни экиш муддатлари, экиш схемалари, минерал ўғитлар фонида органик ўғитларни куллашнинг мақбул меъёрлари, ҳосилдорлиги, мевасининг биокимёвий таркибини ва хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларнинг турлари ва миқдорларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар В.Ф.Белик «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве» (1992), «Методика физиологических и биохимических исследований в овощеводстве и бахчеводстве» (1987), Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур [Л., ВИР, 1977], Б.Ж. Азимов, Б.Б.Азимовларнинг «Сабзавотчилик, ползчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (2002), артишокнинг биокимёвий таҳлили В.П.Плешков (1976) ва А.С.Спирин (1964) услублари бўйича аниқланган ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) Microsoft Excel дастури ёрдамида кўрсатилган дисперсион услуб асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор артишок ўсимлиги нав намуналарини морфо-биологик ва хўжалик-қимматли белгиларини комплекс баҳолаш асосида Тошкент вилояти шароитида етиштиришга мос истиқболли эртапишар Майкопский 41 ва кечпишар Заморский деликатес навлари танланган;

тиканли артишокдан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи мақбул экиш схемаси (эртапишар навлар учун 90x50 см, кечпишар навлар учун 100x100 см) ва озикланиш майдони (0,45 м<sup>2</sup>, кўчат қалинлиги 22222 туп/га ҳамда 1,0 м<sup>2</sup>, кўчат қалинлиги 10000 туп/га) аниқланган;

тиканли артишок ҳосилини ошириш имконини берувчи минерал ўғитлар (N<sub>150</sub>, P<sub>120</sub>, K<sub>60</sub> кг/га) фонида 20 т/га гўнг қўллаш мақбул меъёр аниқланган;

тиканли артишок меваларининг биокимёвий кўрсаткичлари, хомашёси таркибидаги биологик фаол моддаларнинг турлари ва миқдори таҳлил қилиниб, дориворлик хусусиятлари аниқланган;

Тошкент вилояти шароитида тиканли артишок етиштириш бўйича технологик харита ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиканли артишокнинг коллекцион навлари ўсимликларининг морфобиологик кўрсаткичлари ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш асосида ишлаб чиқаришга энг маҳсулдор эртапишар Майкопский 41 ва кечпишар Заморский деликатес навлар ажратилган;

тиканли артишокдан энг юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи мақбул экиш схемаси (эртапишар навлар учун 90x50 см, кечпишар навлар учун 100x100 см) эканлиги аниқланган;

тиканли артишокнинг ўсиб ривожланиши ва юқори ҳосил беришини таъминловчи минерал ўғит фонида органик ўғитларнинг мақбул меъёрлари (20 т/га гўнг) эканлиги аниқланган;

тиканли артишокни биокимёвий таркибини биологик фаол моддалардан филованоид турига мансуб рутин, лютеолин ва Хлороген кислотаси, 1,3,7-Триметилксантил (Кофеин), В<sub>2</sub> витамин, (Рибофлавин), 3,4-диоксифенилакрил (Кофей кислотаси), 3,4-дигидроксифенил (Цинарозид), 2-гидроксибензой (Салицил кислотаси), 3,5,7,3,4-пентаокси-флавоон (Кверцетин) ва β фенилакрил кислоталарини ўрганиш асосида унинг дориворлик хусусиятлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг марказий минтақаси шароитига иқлимлаштирилган тиканли артишокни нав-намуналарини етиштиришнинг агротехнологик элементлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг аниқлиги уларни вариацион-статистик таҳлил қилинганлиги, лаборатория ва дала тажрибалари мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг олинган маълумотларга мослиги, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида тиканли артишокнинг хорижий нав-намуналари интродукция қилинганлиги, нав-намуналарининг биокимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида биологик фаол моддалар флавоноидлар гуруҳига мансуб рутин, лютеолин ва бошқа моддалар миқдорининг аниқланганлиги, тиканли артишок ҳосилдорлигининг ўғитлаш меъёри ( $r=0,91$ ) ва экиш схемаси ( $r=0,93$ ) орасида корреляцион боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиканли артишок нав-намуналарининг морфо-биологик ва хўжалик қимматли белгиларини комплекс баҳолаш асосида истиқболли навлар ажратилганлиги, артишокнинг ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи экиш муддатлари, экиш схемалари, озикланиш меъёри, майдони ва кўчат қалинлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ноанъанавий сабзавот-тиканли артишокни (*Cynara scolymus* L.) етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва дориворлик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

сабзавот ва доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Тиканли артишокни (*Cynara scolymus* L.) етиштириш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги №02/023-3655-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва ўрмон хўжаликлари учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ноанъанавий сабзавот–тиканли артишокни (*Cynara scolymus* L.) етиштиришда ўғитлар қўллаш меъёрларини мақбуллаштириш технологияси ТошДАУ Ахборот маслаҳат Марказида 0,20 гектар, Дархон илмий тажриба хўжалигида 0,01 гектар, “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш Марказида 0,5 гектар, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий тажриба станциясида 0,25 гектар, “Суқоқ гилоси” фермер хўжалигида 1 гектар, жами 1,96 гектар майдонга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги №02/023-3655-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, тиканли артишокнинг “Майкопский 41” навидан 56,5 т/га, “Заморский деликатес” навидан 48,6 т/га саватча ҳосили олинган. Нав намуналарининг соф даромади “Майкопский 41” навидан 11,4 миллион сўм/га, рентабеллик даражаси 208,5 % га, “Заморский деликатес” навидан эса 9,7 миллион сўм/га, рентабеллик даражаси 203,8 % ни ташкил этган;

артишокни эртапишар навлар учун 90х50 см, кечпишар навлар учун 100х100 см экиш схемаларида парваришlash технологияси “Шифобахш” доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш Марказида 0,5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/023-3655-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, артишокни “Майкопский 41” навидан 90х50 см схемада етиштирилганда 62,2 т/га, “Заморский деликатес” навидан 100х100 см схемада экилганда 55 т/га саватча ҳосили олинган. Нав намуналарининг соф даромади “Майкопский 41” навидан 12,6 миллион сўм/га, рентабеллик даражаси 211,3 % га “Заморский деликатес” навидан эса 11,1 миллион сўм/га, рентабеллик даражаси 207,7 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар ҳар йили Тошкент давлат аграр унверситети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилган, илмий-тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек 4 та хорижий анжуманда ва 4 та республика анжуманларида, 1 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий-тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Ноанъанавий сабзавот – тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) авлодининг морфо-биологияси, етиштириш технологияси, озиқ-овқат ва тиббиётда ишлатилиши (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Жумладан, “Тиканли артишок (*Cynara scolymus* L.) авлоди ва турларининг келиб чиқиши, тарқалиши ва морфо-биологик белгилари”, “Озиқ-овқат ўсимлиги сифатида тиканли артишокнинг етиштирилиши” ва “Тиканли артишокнинг таркибидаги биологик фаол моддалар ва унинг тиббиётда қўлланилиши” йўналишларида адабий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий шароити, дастури ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан дала тажрибалари ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Жумладан ушбу бобнинг “Тадқиқот ўтказиш жойининг табиий-иқлим шароитлари” деб номланган бўлимида тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган ҳудуднинг тупроғи ва иқлим хусусиятлари тавсифланган.

“Тадқиқотлар объекти, дастури ва услублари” бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир дала тажрибасини ўтказилиш усуллари, дала тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Интродукция қилинган тиканли артишок навларини морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида тиканли артишокнинг республикамизга интродукция қилинган навлари ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда уларнинг хўжалик белгиларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг “Ўрганилган навларнинг морфо-биологик кўрсаткичлари” бўлимида интродукция қилинган артишок навлари ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тиканли артишок навларининг дала унувчанлиги навлар бўйича кучли фарқланмаган. Уруғларнинг униб чиқиши ўртасидаги тафовут 2-8 кунни ташкил этган. Майсаларнинг энг барвақт 27-29-ноябрь кунлари униб чиқиши Майкопский 41 ва Фиолетовый ранний навларида кузатилган бўлса, энг кеч 3-5- декабрь саналарида униб чиқиши Заморский деликатес ва Лионский 19 навларида қайд этилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тиканли артишок навларининг дала унувчанлиги навлар бўйича кучли фарқланмади ва 10% уруғларнинг униб чиқиши ўртасидаги тафовут 2-8 кунни ташкил этди. Бунда майсаларнинг энг барвақт 27-29-ноябрь кунлари 10% униб чиқиши Майкопский 41 ва Фиолетовый ранний навларида кузатилган бўлса, энг кеч 3-5-декабрь саналарида униб чиқиши Заморский деликатес ва Лионский 19 навларида қайд этилди. Ўрганилган артишок навларининг майсалаш муддатлари бевосита уларнинг техник етилиш фазаси давомийлигига ҳам таъсир этди. Бунда тўпгулларининг энг эрта техник етилиши Майкопский 41 ва Фиолетовый ранний навларида қайд этилди ва улар 13-20-июнь саналарига тўғри келди. Заморский деликатес ва Лионский 19 навларида эса техник етилиш энг кеч бўлди ва улар 24-июндан 4-июлгача бўлган санада қайд этилди. Техник етилиш бўйича ҳам Султон ва Красавец навлари оралиқ ўрин эгаллади. Уларда ушбу биологик фаза 18-24 июнга тўғри келган ва пишиб етилиши бўйича юқорида келтирилган навлари ўртасида оралиқ ўрин эгаллаган (1-жадвал).

1-жадвал

**Тиканли артишок навларини ривожланиш фазаларини давомийлиги, 2016-2017 йй.**

Кўчатларни очик далага ўтказгандан кейин, кун ҳисобида				
Дастлабки техник етилиш	Ёппасига техник етилиш	Дастлабки гуллашгача	Ёппасига гуллашгача	Биологик етилиш даври
Эртапишар Майкопский 41 нави				
188	192	196	202	237
Эртапишар Фиолетовый ранний нави				
190	194	198	204	239
Ўртапишар Султон нави				
193	197	201	207	242
Ўртапишар Красавец нави				
194	198	202	208	243
Кечпишар Заморский деликатес нави				
231	212	242	215	270
Кечпишар Лионский 19 нави				
233	214	244	217	272

Ўрганилган навларнинг уруғини униб чиқиши, техник етилиши, гуллаши ва биологик етилиши бўйича фазаларнинг ўтиш муддатини ҳисобга олиб, шартли равишда эртапишар (Майкопский 41 ва Фиолетовый ранний), ўртапишар (Султон ва Красавец) ва кечпишар (Заморский деликатес ва Лионский 19) навларга ажратилди.

“Ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган артишок навларини қимматли хўжалик белгилари” бўлимида истиқболли артишок навларининг хўжалик-қимматли белгилари тадқиқ қилинган. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тўпгулларининг ўртача оғирлиги бўйича навлар ўртачида кескин тафовут қайд

этилди. Энг йирик тўпгуллар Лионский 19 навида 185 г гача етди. Энг кичик тўпгуллар эртапишар Фиолетовый ранний навида 98 г дан ошмади. Тиканли артишокнинг ўрганилган бошқа навлари тўпгулининг ўртача оғирлиги бўйича оралиқ ўрин эгаллади ва мос ҳолда 101-165 г оралиғида ўзгарди.

Ўсимликда шаклланган тўпгуллар – саватчалар сони ва уларнинг ўртача оғирлиги майдон бирлигидаги маҳсулдорликка сезиларли таъсир кўрсатди. Бунда саватчалар сони ва уларнинг ўртача оғирлигига боғлиқ равишда энг юқори маҳсулдорлик кечпишар Заморский деликатес навида қайд этилди. Ушбу навда майдон бирлигидаги ҳосилдорлик қарийб 56,8 тоннани ташкил этди. Майдон бирлигидаги энг кам ҳосилдорлик бир туп ўсимликдаги саватчаларнинг умумий оғирлигига боғлиқ равишда Фиолетовый ранний навида қайд этилди. Ушбу навда майдон бирлигидаги ҳосилдорлик 27,1 тоннадан ошмади. Бу эса кечпишар Заморский деликатес навига нисбатан 29,7 тоннага кам демакдир. Ўрганилган бошқа навларда майдон бирлигидаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари оралиқ ўрин эгаллади ва гектарига навларга боғлиқ равишда 30,8-52,7 тонна атрофида ўзгарди (1-расм).




**1-расм. Тиканли артишок навларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, (экиш схемаси 90x50 см) 2016-2019 йй.**

“Экиш схемалари, озикланиш майдони ва кўчат қалинлиги билан артишокнинг морфо-биологик кўрсаткичлари ҳамда маҳсулдорлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқликни тадқиқ қилиш” бўлимида артишок навларининг энг юқори маҳсулдорлигини таъминловчи экиш схемалари, озикланиш майдони ва кўчат қалинлигини илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тажрибалар шуни кўрсатдики, энг кўп тўпгуллар 90x50 см схемада экилган ўсимликларда қайд этилди, уларда жами тўпгуллар сони 15 тагача етди. Тўпгулларнинг сони 70x80 ва 90x30 см схемаларда деярли яқин кўрсаткичларда бўлди ва мос ҳолда 8 ва 10 донани ташкил этди.

Ўсимликда ҳосил бўлган тўпгуллар сонига боғлиқ равишда уларнинг ўртача оғирлиги ҳам сезиларли фарқланди. Энг йирик – 168 г ли саватчалар 90x50 см экиш схемасида қайд этилди. 70x80 ва 90x30 см схемаларда ушбу

кўрсаткич мос ҳолда 99 ва 105 г га тенг бўлди. Кечпишар Заморский деликатес навида бир туп ўсимликнинг баландлиги, ўсимликдаги ён шоҳлар сони, бир ўсимликда шаклланган тўпгуллар сони ва тўпгулларнинг ўртача вазни деярли Майкопский 41 навидаги каби тенденцияга эга бўлди. Бунда ушбу кўрсаткичлар бўйича энг кичик қиймат 70x80 см схемада қайд этилди. Ушбу кўрсаткичнинг энг юқори қиймати билан 100x100 см схема ажралиб турди. Бу борада қолган экиш схемаларида экилган ўсимликлар оралиқ ўрин эгаллади.

Ўсимликда шаклланган тўпгуллар – саватчалар сони ва уларнинг ўртача оғирлиги майдон бирлигидаги масхулдорликка сезиларли таъсир кўрсатди. Бунда саватчалар сони ва уларнинг ўртача оғирлигига боғлиқ равишда энг юқори махсулдорлик Майкопский 41 навида 90x50 см, кечпишар Заморский деликатес навида эса 100x100 см схемада экилган ўсимликларда қайд этилди. Ушбу экиш схемасида майдон бирлигидан олинган ҳосилдорлик Майкопский 41 навида 62,2 тонна, Заморский деликатес навида эса 55,0 тоннани ташкил этди (2-расм).



**2-расм. Экиш схемасига боғлиқ равишда тиканли артишок навларининг махсулдорлик белгиларини ўзгариши, 2016-2019 йй.**

“Органик ва минерал ўғит бериш меъёрлари билан тиканли артишокни ўсиш, ривожланиш ва махсулдорлиги орасидаги боғлиқлик” бўлимида артишок навларининг энг яхши ривожланиши ва юқори махсулдорлигини таъминловчи органик ва минерал ўғит бериш меъёрларини илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Маълумки, сабзавот ўсимлиги сифатида тиканли артишок навларининг саватчалари сони ва уларнинг ўртача оғирлиги энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсимликда шаклланган саватчалар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар Майкопский 41 навида ҳам, Заморский деликатес навида ҳам минерал ўғитлар ( $N_{150} P_{120} K_{60}$  кг/га) фониди 20 т/га гўнг ўғит берилган вариантда қайд этилди. Минерал ўғит фониди органик ўғит қўллашнинг ушбу вариантыда саватчалар сони навлар бўйича мос ҳолда 17,6 ва 16,3 донани ташкил этди.

Минерал ўғит фониди органик ўғитлар билан озиклантириш тиканли артишок навларининг майдон бирлигидаги ҳосилдорлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда энг юқори саватча ҳосилдорлиги Майкопский 41

навида ҳам, Заморский деликатес навида ҳам минерал ўғитлар ( $N_{150} P_{120} K_{60}$  кг/га) фонида 20 т/га гўнг берилган вариантда навлар бўйича мос ҳолда гектарига 14,0 ва 11,2 тоннани ташкил этди, бу эса назорат вариантыга нисбатан 7,7%-12,0% га юқори демакдир.

Диссертациянинг “Тиканли артишокни озикабоплик, дориворлик хусусиятлари ҳамда иқтисодий самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида тиканли артишок навларининг тўйимлилик ва шифобахшлик хусусиятларини аниқлаш ҳамда ушбу ўсимликни етиштириш технологик харитасини ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан ушбу бобнинг “Тиканли артишок саватчаларининг биокимёвий хусусиятлари” бўлимида артишок навлари саватчаларининг биокимёвий таркиби ва тўйимлилик даражасини таҳлил қилиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тиканли артишокнинг ўрганилган навларда умумий қанд моддаларининг тўпланиши қуйидаги ифодага эга бўлган: Майкопский 41 навида – вегетация аввалида 10,0%, ғунчалашда 12,9%, гуллашда 14,8%, мевалашда 15,5%. Заморский деликатес навида – вегетация аввалида 10,8%, ғунчалашда 13,8%, гуллашда 15,0%, мевалашда 15,6% (2-жадвал).

2-жадвал

**Тиканли артишок навларининг ривожланиш фазасига кўра кимёвий таркиби, абсолют қуруқ массага нисбатан % ҳисобида, 2017-2019 йй**

Вариантлар	Ривожланиш фазалари									
	Вегетация бошланиши		Ғунчалаш		Гуллаш		Мевалаш		Уруғлаш	
	Қанд, %	Каротин, мг/кг	Қанд, %	Каротин, мг/кг	Қанд, %	Каротин, мг/кг	Қанд, %	Каротин, мг/кг	Қанд, %	Каротин, мг/кг
<b>Майкопский 41 нави</b>										
Ўғитсиз – абсолют назорат	6.3	134.2	10.1	242.8	11.4	388.9	12.7	252.9	4.0	232.7
$N_{150} P_{120} K_{60}$	7.1	158.0	11.2	249.5	12.5	400.6	13.6	269.2	4.6	247.3
10 т/га гўнг + (фон) $N_{150} P_{120} K_{60}$ – наз.	7.5	162.8	11.1	252.0	13.1	411.6	13.7	280.6	5.3	250.6
20 т/га гўнг + (фон) $N_{150} P_{120} K_{60}$	9.1	174.6	12.6	286.8	14.0	416.8	14.8	283.8	6.4	266.8
30 т/га гўнг + (фон) $N_{150} P_{120} K_{60}$	10.0	174.0	12.9	291.2	14.8	419.2	15.5	288.2	6.5	271.2
<b>Заморский деликатес нави</b>										
Ўғитсиз – абсолют назорат	6.7	154.7	10.1	252.7	11.5	398.1	12.7	253.9	4.0	155.7
$N_{150} P_{120} K_{60}$	7.3	160.3	11.7	269.1	12.9	406.5	13.8	259.1	4.8	161.8
10 т/га гўнг + (фон) $N_{150} P_{120} K_{60}$ – наз.	7.8	168.8	11.9	272.0	13.7	415.7	13.9	270.6	5.9	169.1
20 т/га гўнг + (фон) $N_{150} P_{120} K_{60}$	9.1	184.1	13.6	296.9	14.4	419.8	14.9	281.1	6.5	174.2
30 т/га гўнг (фон) + $N_{150} P_{120} K_{60}$	10.8	188.6	13.8	297.3	15.0	420.3	15.6	284.4	6.5	178.3

Саватчаларида умумий каротиноид моддалари тўпланиши қуйидаги миқдорда бўлганлиги кузатилган: Майкопский 41 навида – вегетация аввалида 174.0 мг/кг, ғунчалашда 291.2 мг/кг, гуллашда 419.2 мг/кг. Заморский деликатес навида – вегетация аввалида 188.6 мг/кг, ғунчалашда 297.3 мг/кг, гуллашда 420.3 мг/кг.

Уруғлаш фазасида тиканли артишок навларидан қатъий назар, умумий қанд ва каротиноид моддалар миқдорининг кескин камайиши қайд этилади. Бу ҳолат қанднинг крахмал ва мой моддаларига синтезланиб, уруғ таркибига ўтиши, каротиноид моддаларнинг эса мева этининг аста қуриши сабабли парчаланиб кетиши билан тушунтирилади.

3-жадвал

**Тиканли артишок (*Cynara scolymus L.*) Майкопский 41 навининг барглари таркибидаги биологик фаол моддаларининг (мкг/мл ҳисобида) минерал ва органик ўғитларининг меъёрларига боғлиқлиги, 2018-2019 йй**

№	Биологик фаол моддалар	Вариантлар				
		Ўғитсиз – абсолют назорат	N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>60</sub>	10 т/га гўнг (фон) N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>60</sub> –наз.	20 т/га гўнг (фон) N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>60</sub>	30 т/га гўнг (фон) N <sub>150</sub> P <sub>120</sub> K <sub>60</sub>
1	Хлороген кислотаси	66,15	66,54	67,10	67,26	66,96
2	1,3,7-Триметилксантил, Кофеин	640,45	642,18	645,69	648,39	647,12
3	B <sub>2</sub> витамин, (Рибофлавин)	2,62	2,92	3,18	3,84	3,54
4	3,4-диоксифенилакрил (Кофей кислотаси)	29,16	30,13	31,23	31,45	31,41
5	P витамини (Рутин)	7,37	7,47	8,62	8,90	8,78
6	3,4-дигидроксифенил (Цинарозид)	38,78	39,63	40,43	41,52	40,86
7	Фаол протеин (Скутеларин)	2,97	3,24	4,02	4,68	4,43
8	2-гидроксibenзой (Салицил кислотаси)	2,58	3,00	3,02	3,03	3,01
9	3,4,5,7-тетрагидрокси-флавоин (Лютеолин)	5,87	6,12	6,90	7,19	7,05
10	3,5,7,3,4-пентаокси-флавоин (Кверцетин)	1,96	2,36	2,63	3,23	3,20
11	β фенилакрил кислотаси	1,61	1,78	2,14	2,26	2,20

“Тиканли артишок (*Cynara scolymus L.*) Майкопский 41 навининг барглари таркибидаги биологик фаол моддаларни минерал ва органик ўғитларнинг меъёрига боғлиқлиги” бўлимида тиканли артишок баргларида биологик фаол моддалардан Хлороген кислотаси, 1,3,7-Триметилксантил (Кофеин), B<sub>2</sub> витамин, (Рибофлавин), 3,4-диоксифенилакрил (Кофей кислотаси), P витамини (Рутин), 3,4-дигидроксифенил (Цинарозид), 2-гидроксibenзой (Салицил кислотаси), 3,5,7,3,4-пентаокси-флавоин (Кверцетин) ва β фенилакрил кислотаси каби биологик фаол моддаларда ҳам гарчи сезиларсиз бўлсада минерал ва органик ўғитларни қўллаш меъёрига боғлиқ равишда биров ортанлиги кузатилди. Бунда ушбу биологик фаол моддаларнинг энг кўп тўпланиши минерал ўғитлар (N<sub>150</sub> P<sub>120</sub> K<sub>60</sub> кг/га) фониди 20 т/га гўнг меъёрида

озиклантирилган тажриба вариантида қайд этилди. Қолган вариантлар ушбу тажриба варианти ва назорат ўртасида оралиқ ифодага эга бўлди.

“Тиканли артишок етиштириш агротехнологияси ва уларни иқтисодий самарадорлиги” бўлимида ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган ушбу ноанъанавий сабзавотни етиштириш бўйича технологик харита ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кўп йиллик олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, тиканли артишокни сабзавот экини сифатида етиштириш бўйича тавсиялар ҳамда намунали технологик харита ишлаб чиқилган. Ушбу бўлимда ноанъанавий сабзавот – тиканли артишок етиштиришнинг иқтисодий нуқтаи назардан мақбуллиги ҳам таҳлил қилинган. Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, Тошкент вилояти шароитида ноанъанавий сабзавот – тиканли артишок етиштириш Майкопский 41 навида 11,4 млн.сўм, Заморский деликатес навида 9,7 млн.сўм соф даромад олиш, шунингдек мос ҳолда 208,5 ва 203,8 % рентабелликка эришиш имконини беради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тиканли артишок навларининг энг эрта – 31 июл-2 август саналарида биологик етилиши билан Майкопский 41 ва Фиолетовый ранний навлари, ўртача муддатда 29-30 июль Султон ва Красавец навлари ҳамда энг кеч 13-15 августда Заморский деликатес ва Лионский 19 навлари ажралиб туради.

2. Ўрганилган навларнинг уруғини униб чиқиши, техник етилиши, гуллаши ва биологик етилиши бўйича фазаларнинг ўтиш муддатини ҳисобга олиб, шартли равишда эртапишар (Майкопский 41 ва Фиолетовый ранний), ўртапишар (Султон ва Красавец) ва кечпишар (Заморский деликатес ва Лионский 19) навларга ажратилди.

3. Тўпгулларининг ўртача оғирлиги бўйича навлар ўртачада кескин тафовут қайд этилди. Энг йирик тўпгуллар Лионский 19 навида 185 г гача етди. Энг кичик тўпгуллар эртапишар Фиолетовый ранний навида 98 г дан ошмади. Тиканли артишокнинг ўрганилган бошқа навлари тўпгулининг ўртача оғирлиги оралиқ - 101-165 г оғирликда ўзгаради.

4. Майдон бирлигидаги энг юқори маҳсулдорлик кечпишар Заморский деликатес навида қарийб 56,8 тонна, энг кам ҳосилдорлик Фиолетовый ранний навида 27,1 тонна, бошқа навларда мос ҳолда 30,8-52,7 тонна атрофида ўзгаради.

5. Экиш схемаси тиканли артишокнинг маҳсулдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Энг юқори маҳсулдорлик Майкопский 41 навида 90x50 см схемада экилган ўсимликларда 62,2 тонна, Заморский деликатес навида эса 100x100 схемада 55,0 тоннани ташкил этди.

6. Органик ўғит беришнинг турли фонида минерал озиклантириш тиканли артишок навларининг майдон бирлигидаги ҳосилдорлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда энг юқори саватча ҳосилдорлиги Майкопский 41 навида ҳам, Заморский деликатес навида ҳам минерал ўғитлар ( $N_{150} P_{120} K_{60}$

кг/га) фонида 20 т/га гўнг берилган вариантда навлар бўйича мос ҳолда гектарига 14,0 ва 11,2 тоннани ташкил этди, бу эса назорат вариантыга нисбатан 7,7-12,0% га юқори демакдир.

7. Тиканли артишок хом протиенга бой ўсимлик ҳисобланади. Унинг Миқдори ўсимликда фенологик ривожланиш фазалари ва энг мақбул меъёрда (20 т/га гўнг +  $N_{150}P_{120}K_{60}$ ) озиклантиришга боғлиқ равишда қуйидаги миқдорда бўлади: Майкопский 41 навида – вегетация аввалида 17,6%; ғунчалашда 17,9%; гуллашда 21,3%. Заморский деликатес навида мос ҳолда 18,3%; 18,5% ва 20,3%.

8. Тиканли артишок навларида фенологик ривожланиш фазалари бўйича энг мақбул меъёрда (20 т/га гўнг +  $N_{150}P_{120}K_{60}$ ) озиклантиришга боғлиқ равишда қуйидаги миқдорда мой тўпланиши кузатилади: Майкопский 41 навида – вегетация аввалида 4,6%; ғунчалашда 4,8%; гуллашда 4,8% ва мевалашда 5,8%. Заморский деликатес навида мос ҳолда 5,8%; 5,3%; 3,8% ва 5,5%.

9. Тиканли артишок навларида фенологик ривожланиш фазалари ва энг мақбул меъёрда (20 т/га гўнг +  $N_{150}P_{120}K_{60}$ ) озиклантиришга боғлиқ равишда қуйидаги миқдорда клетчатка тўпланиши кузатилади: Майкопский 41 навида – вегетация аввалида 23,9%; ғунчалашда 27,0%; гуллашда 33,1% ва мевалашда 34,4%. Заморский деликатес навида мос ҳолда 24,3%; 29,2%; 32,1% ва 35,8%.

10. Тиканли артишок навларида мақбул меъёрда (20 т/га гўнг +  $N_{150}P_{120}K_{60}$ ) озиклантирилганда саватчаларида қуйидаги миқдорда қанд тўпланади: Майкопский 41 навида – вегетация аввалида 10%, ғунчалашда 12,9%, гуллашда 14,8%, мевалашда 15,5%. Заморский деликатес навида – вегетация аввалида 10,8%, ғунчалашда 13,8%, гуллашда 15,0%, мевалашда 15,6%.

11. Тиканли артишок таркибидаги биологик фаол моддаларнинг энг юқори меъёри 1 г барг таркибидаги рутин миқдори 0,04%, 0,5 г суяқ экстракт таркибидаги рутин миқдори 2,32% ни, лютеолинда мос ҳолда 0,35%, 0,43% ни ташкил қилди.

12. Тошкент вилояти шароитида ноанъанавий сабзавот – тиканли артишок етиштириш Майкопский 41 навида 11,4 мил.сўм. Заморский деликатес навида 9,7 мил.сўм соф даромад олиш, шунингдек мос ҳолда 208,5% ва 203,8 % рентабелликка эришиш имконини беради.

13. Ўзбекистоннинг марказий минтақаси шароитида янги ноанъанавий сабзавот–тиканли артишок етиштириш бўйича сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига:

тиканли артишокдан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи мақбул экиш схемаси эртапишар бўлган Майкопский 41 нави учун 90x50 см, кечпишар Заморский деликатес нави учун 100x100 см жойлаштириш;

вегетация даврида ўсимликларни 20 т/га гўнг +  $N_{150}P_{120}K_{60}$  меъёрида озиклантириш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ  
СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО  
СОВЕТА PhD.05/04.03.2022.Qx.13.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРАКУЛОВ АЛИМАРДОН АБДУСАЛОМОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЕ  
ЛЕКАРСТВЕННЫХ СВОЙСТВ НЕТРАДИЦИОННЫХ ОВОЩЕЙ –  
КОЛЮЧЕГО АРТИШОКА (*CYNARA SCOLYMUS L.*)**

**06.01.06 – Овощеводство**

**06.03.03 – Интродукция, технология возделывания и агрофармэкология лекарственных  
растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/Qx687**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tsau.uz](http://www.tsau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Бердиев Эркин Турдалиевич</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Буриев Хасан Чутбоевич</b> доктор биологических наук, профессор <b>Бегматов Абдусамат Маматкулович</b> кандидат биологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений</b>

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_ часов на заседании Разового научного совета по присуждению учёной степени доктора философии (PhD) на основе научного совета PhD.05/04.03.2022.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская-2. Ташкентский государственный аграрный университет, тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (99871) 260-38-60, e-mail: tuag\_info@edu.uz). Здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100140, Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Университетская-2. Здание информационно-ресурсного центра Ташкентского государственного аграрного университета, тел.: (99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**У.Норкулов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

**А.Иминов**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н.

**Ф.Намозов**  
Председатель семинара при ученом совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н. профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире окультивированию нетрадиционных овощей и лекарственных растений, более полному использованию их пищевых и лечебных свойств, расширению производства натуральных овощей и лекарственных средств на основе их сырья уделяется особое внимание. Мировое выращивание артишока, являющимся одним из таких растений составило в 2019 году 128 тыс. гектаров, а урожайность с гектара 13 тонн. Крупнейшими производителями артишока являются Италия (383 тыс. тонн), Египет (343 тыс. тонн) и Испания (207 тыс. тонн), на долю которых приходится 54% от общего объема производства, а доля от общего объема производства Перу, Алжира, Аргентины, Китая, Франции и США составляет 35%. Самое высокое потребление артишока на душу населения в 2019 году было в Италии (6,51 кг на душу населения в год), Перу (4,75 кг на душу населения в год) и Испании (4,14 кг на душу населения в год)<sup>1</sup>. Актуальными задачами являются определение оптимальных сроков посадки, густоты растений и норм удобрений, а также совершенствование важных агротехнологических элементов возделывания артишока.

В мире, в таких странах, как Англия, Франция, Италия, Венгрия, Болгария, Швеция, Албания, США и Азербайджан, возделывающих артишок, его используют в качестве пищевого и кормового растения. В западном Таджикистане общий урожай зеленых листьев артишока составляет 800-1500 ц/га, а в Закавказье зеленая масса артишоков – 650-1500 ц/га. Также артишок используют в качестве декоративного растения при оформлении парков, садов, обочин дорог, школ и других учреждений. Артишок употребляют в сыром, жареном и консервированном виде. Несмотря на то, что в мире достигнуты определенные успехи в этом направлении, важное значение на сегодняшний день имеют исследования, проводимые по совершенствованию агротехнологии возделывания на основе изучения оптимальных сроков посадки, густоты растений и норм удобрений, соответствующих почвенно-климатическим условиям каждого региона.

В Узбекистане артишок колючий (*Cynara scolymus* L.) считается новым нетрадиционным многолетним пищевым овощным и лекарственным растением. Большое значение имеет рациональное использование земельных ресурсов сельскохозяйственного назначения, расширение посевных земель под продовольственные и лекарственные растения, а также возделывание отвечающей мировым стандартам экспорториентированной продукции. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы в качестве одной из важных стратегических задач отмечено “...возделывание экспорториентированной продукции, а также развитие плодовоовощеводства, увеличение площадей интенсивных садов в 1,5 раза и теплиц в 2 раза, увеличение экспортного потенциала еще на 1 млрд долларов США”. В связи с

---

<sup>1</sup> <https://fruitnews.ru/home/category/analitika/indexbox-italiya-i-frantsiya-zanyali-lidiruyushchie-pozitsii-v-importe-artishoka-v-2019-godu.html>

этим важное значение имеет расширение научно-исследовательских работ по разработке и внедрению агротехнологии возделывания нетрадиционных овощей с учетом их питательных и лекарственных свойств. Актуальным является выявление возможностей при возделывании артишока колючего, являющегося нетрадиционной овощной культурой, определение норм, сроков, схем и площади питания при возделывании культур, разработка технологии внесения органических и минеральных удобрений, исследование лекарственных свойств.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5995 от 18 мая 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению соответствия показателей качества и безопасности сельскохозяйственной продукции международным стандартам», № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», № ПП-4901 от 26 ноября 2020 года «О мерах по расширению масштаба научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитии налаживания их семеноводства», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетам развития науки и техники республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

